УДК 82.091

БАДИИЙ ТАФАККУР ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИ

С.Д. Қуронов

Мақолада адабиётшуносликдаги инсон концепцияси категориясига атрофлича таъриф берилган. Инсон концепцияси категорияси бадиий концепциянинг негизи экани асосланган. Шу билан бирга, адабиётни даврлаштиришда ушбу категориянинг аҳамияти ҳақида сўз юритилган. Жумладан, бадиий тафаккурдаги мифопоэтик, традиционалистик, индивидуал-ижодий босқичлар инсон концепцияси билан қиёсан ўрганилган. Бадиий тафаккур эволюциясининг муайян давр ижтимоий шарт-шароитида вужудга келган инсон концепцияси таъсирида ҳаракатланиши, замонавий ўзбек адабиётининг ривожи, тарихий тараққиёт йўли, адабий асрлар бевосита инсон концепциясидаги эврилишлар билан боғлиқ экани ҳақида хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: *инсон концепцияси, бадиий концепция, бадиий тафаккур, архаизм, традиционализм, индивидуал-ижодий бадиий тафаккур, адабий давр, муттоз адабиёт, замонавий ўзбек адабиёти.*

В статье подробно описывается категория концепция человека в литературоведении. Выявлено значение категории концепция человека в периодизации литературы. Доказывается, что категория концепции человека является основой художественной концепции. В частности, мифопоэтический, традиционалистский, индивидуально-творческий этапы в художественном мышлении исследуются в сравнении с концепцией человека. Сделаны выводы о том, что на эволюцию художественного мышления влияет концепция личности, возникшая в социальных условиях определенного периода, что развитие современной узбекской литературы,путь исторического развития и литературные эпохи являются непосредственно связано с концепцией человека.

Ключевые слова: *концепция человека, художественная концепция, художественное мышление, архаизм, традиционализм, индивидуально- творческое художественное мышление, литературный период, классическая литература, современная узбекская литература*.

“Инсон ким?” – бу бани башарнинг азалий ва абадий саволи. Ўтган минг йиллар давомида дин, фалсафа, тарих, санъат, сиёсат, руҳшунослик, жамиятшунослик каби соҳалар мазкур саволга жавоб излайди. Нафақат жавоб излайди, балки жавоб излаш жараёнида тараққий этади. Яъни бу савол барча маданий, ахлоқий, иқтисодий, сиёсий тузилмаларнинг шаклланиши ва ривожланишига асос бўлади.

Тарихнинг ҳар бир янги даври инсоннинг борлиқдаги ўрни, унинг ҳаётий мақсад ва вазифаларини ўзига хос тарзда тушуниш ҳамда талқин қилиш эвазига вужудга келган. Зеро, инсоният ўзи ҳақидаги тасаввурлари, хулосаларига таяниб жамиятни тартибга солади. Яшаш тарзи, дунёқарашини “Инсон ким?” саволига жавоб излаш ўлароқ шакллантиради. Муҳим жиҳати шуки, ушбу саволнинг жавоби башар учун ягона эмас. Турли дин, миллат, маданиятларда, ҳатто, якка индивидларда жавоблар фарқли бўлиши мумкин. Бироқ жавоблар ҳар қанча фарқ қилмасин, бу савол одамларни бирлаштиришга, ҳаётий мақсад ва вазифаларини умумлаштиришга қодир.

Адабиётшуносликка оид асарларда бадиий адабиётнинг бош вазифаси сифатида унинг *билиш (эвристик) функцияси* қайд этилади. Яъни адабиёт борлиқни, ундаги воқеа-ҳодисаларни, жумладан, инсонни ўрганиш мақсади устига бунёд бўлган: “Бадиий адабиёт борлиқни образлар воситасида бадиий идрок қилиш орқали бизнинг олам, одам, жамият ҳақидаги билим ва тасаввурларимизни бойитади” [9. Б. 97]. Ўзининг бу вазифасини амалга ошириш йўлида адабиёт воқеа-ҳодисалар марказига инсонни қўйди. Негаки, “борлиқнинг ўзида инсон шу хил мавқе эгаллайди. Шундай экан, бадиий адабиётнинг борлиқни идрок этишида

инсон образининг асосий восита бўлиши ҳам табиий ва қонунийдир” [9. Б. 53]. Демак, “Инсон ким?” саволи адабиётнинг, жумладан, ижодкорнинг ҳам бош муаммосидир. Бироқ, бу саволга ечим излашда, адабиётнинг бошқа соҳаларга қараганда катта устунлиги бор. Адабиёт одам ва олам муносабатларининг яхлит моделини яратган ҳолда, турли ижодий экспериментлар воситасида саволларга жавоб излаш, ўз хулосаларини “тирик” образлар орқали кўрсатиш имконига эга. Айни шу жиҳат, яъни бадиий адабиётнинг муайян бир асар, ижодкор ёки даврда инсоннинг оламдаги мақоми, мақсад ва вазифалари юзасидан чиқарган яхлит ҳукми инсон концепциясидир.

Адабиётда инсон концепциясининг намоён бўлиши табиий ва қонуниний жараёндир. Зотан, адабиётнинг эвристик функциясидан ташқари бадиий-концептуал функцияси ҳам мавжудки, бу унинг яна бир ўта муҳим вазифаси саналади. Бадиий адабиёт борлиқни, мавжуд воқеликни тафтиш қилиш асносида олам ва одам ҳақида яхлит бадиий ҳукм – бадиий концепцияни яратади. Адабиётнинг марказида инсон туришини ҳисобга олсак, бадиий концепциянинг негизини ҳам инсон концепцияси ташкил этиши ойдинлашади. Адабиётшунос Михаил Гольберг инсон концепциясига шундай таъриф беради: “Инсон концепцияси жуда ҳам кенг қамровли категория (тушунча) бўлиб, одамнинг олам ва дунёқараш, мафкура, ахлоқ, эстетик алоқалар ҳамда ўзаро бошқа муносабат шаклларининг ички моҳияти мажмуи сифатида намоён бўлади” [5. Б. 286]. Кўринадики, и**жодкор олам** ҳақидаги комплексли, яхлит ҳукмга инсон концепцияси орқали етиб боради.

Инсон концепцияси бадиий асарни баҳолашда қанчалар муҳим бўлмасин, адабиётшуносликда алоҳида категория сифатида нисбатан кам ўрганилган. Адабиётшунослик назариясига оид китобларда мазкур категория таърифига деярли тўхталинилмаган, адабиётшунослик терминлар луғатида ҳам учрамайди. Бизнингча, бу инсон концепцияси категориясининг одатда бадиий концепция таркибида кўрилгани билан боғлиқ.

Рус адабиётшунослигида инсон концепцияси истилоҳини илк бор ўтган асрнинг 50-йилларида Л.Тимофеев қўллайди. Шу даврдан бошлаб турли тадқиқотларда бу тушунчага бот-бот дуч келиш мумкин бўлди. Адабиётшунос Е.Гапоннинг таъкидлашича, Л.Тимофеевга қадар адабиётдаги инсон муаммосига “образ”, “қаҳрамон”, “характер” каби тушунчалар воситасида ечим изланган [6. Б. 3]. Бироқ “инсон концепцияси” истилоҳи санаб ўтилган тушунчаларга нисбатан адабий қаҳрамонни анча кенг қамровда, концептуал тарзда тушунтиради. “Инсоннинг бадиий концепцияси, – ёзади яна бир рус адабиётшуноси Л.Колобаева, – маълум бир адабий контекстда одамни шахс сифатида тушуниш ва тасвирлаш йўлидаги турли тамойиллар, ғоялар, қарашлар мажмуини англатувчи тушунчадир. Инсон концепцияси ёзувчи ижодий оламининг мазмуни сифатида фақат битта асарнинг эмас, балки бутун ижодий йўлни ва унинг турли босқичларини характерловчи, эстетик қонуниятларини белгиловчи асосдир” [7. Б. 35]. Англашиладики, инсон концепцияси тушунчаси бизга муайян асарни ёки адабий даврни муаллифнинг бадиий-ғоявий концепцияси билан бевосита алоқадорликда баҳолашга имкон берувчи тизимдир.

Шу ўринда мазкур категорияга нисбатан турли шаклдаги терминлар қўлланган эътиборга молик. Хусусан, ўзбек адабиётшунослигида мазкур категориянинг “инсоннинг бадиий концепцияси”, “шахс концепцияси”, “инсон концепцияси” каби турли шаклдаги терминларини учратиш мумкин. Изоҳли луғатларга кўра “инсон” ва “одам” сўзлари маъно жиҳатдан кескин фарқ қилмаса-да, улар истеъмолда фарқланади. Яъни “инсон” кўп ҳолларда “шахс” сўзига синоним қўйиладики, бу уни ижтимоий-ахлоқий ҳодиса сифатида гавдалантиради. Табиий фанларга оид адабиётларда эса “одам” сўзини қўллаш анъанага айланган. Бундай адабиётларда биз “одам”ни шахс сифатида эмас, биологик мавжудот сифатида тушунишга одатланганмиз. Бу мулоҳазаларимизни тилшунослик нуқтаи назаридан аниқ далиллай олмасак-да, ушбу мақолада инсон – шахс, одам – биологик мавжудот сифатида талқин этилганини алоҳида қайд этишга зарурат сезамиз. Зеро, бу ўринда “инсон концепцияси”, “инсоннинг бадиий концепцияси” ёхуд “шахс концепцияси” терминлари айни бир маънони англатади.

Бадиий тафаккур инсон тафаккури билан ўзаро алоқадорликда ривожланади. Яъни инсоннинг тарих саҳнасидаги ижтимоий, маданий, иқтисодий, сиёсий тараққиёти тўғридан-тўғри бадиий адабиётга кўчиб ўтади. Бизнинг муайян ижтимоий шарт-шароитда шаклланган дунёқарашимиз, борлиқдаги мақомимизни

қандай белгилашимиз шу давр парадигмасини шакллантиради: “Инсоният тарихи – парадигмалар алмашувидир. Инсон, ўз олдига қўйган олий мақсади қадрсизланаётганини сезгач, янги мақсадларни кўзлайди ва унга қараб интилади” [2. Б. 160]. Шаклланган янги парадигма эса концептуал равишда, аввало, бадиий адабиётда бўй кўрсатади. Демак, биз “Инсон ким?” саволига жавоб излаш асносида бутун тарихни даврлаштириш билан бирга, адабиётнинг тадрижий тараққиёт йўлини ҳам яхлит харитада кўришимиз мумкин бўлади.

Машҳур фин олими П.Кууси инсониятнинг маданий эволюциясини қуйидаги уч йирик босқичда таснифлайди:

1. Овчи ва теримчилар маданияти.
2. Аграр маданият.
3. Илмий-технологик маданият [8. Б. 101].

Яна бир машҳур тарихчи, “Сапиенс: Инсониятнинг қисқача тарихи” номли бестселлер муаллифи Ювал Ноа Ҳарари ҳам инсоният тараққиётини уч босқичга ажратаркан, Куусидан фарқли ўлароқ, биринчи босқични “Когнитив инқилоб” деб номлайди: “Башариятнинг тарихий йўлини уч йирик инқилоб белгилаб беради. 70 минг йил муқаддам рўй берган когнитив инқилоб тарихни бошлаб берган бўлса, жараённи 12 минг йил олдинги аграр инқилоб тезлаштирди. Атиги 500 йил олдин бошланган илмий инқилоб эса тарихни батамом якунлаши ва сайёрада тамомила бошқа бир ҳодисаларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин” [11. Б. 6]. Тарих контекстида олиб қаралса, маданиятнинг, умуман, инсоннинг дунёқараши шаклланишида уч омил муҳим аҳамият касб этган. Овчи ва теримчиларнинг дунёқараши бевосита табиат – табиийлик таъсирида шаклланган. Бу даврда инсон – табиатнинг ажралмас бир узви. Табиийликка қаноат қилиб, фақат овчилик ва термачилик ортидан кун кўради. Унинг бош мақсади табиатнинг суронли шароитларида омон қолиш ва насл қолдиришдан иборат.

Аграр инқилоб одамларнинг ўтроқлашиши, табиат неъматларини бўйсундириши – хонакилаштириши билан бошланган. Деҳқончилик ва чорвачилик билан кун кўра бошлаган одамларнинг ҳаёт тарзи нисбатан енгиллашади. Ўта хатарли ва машаққатли бўлган овчиликка эҳтиёжнинг камайиши ер юзи аҳолисининг ортишига сабаб бўлади. Чунки одамлар энди егуликни ҳаётларини хавф остига қўймай, кўп миқдорда топишлари ва захирага олишлари мумкин эди. Озиқ-овқатнинг кўпайиши эса ўз-ўзидан туғилиш ва яшаш сифатининг ўсишига хизмат қилади. Шу омиллар сабаб, кичик марказ, шаҳар ва давлатлар юзага кела бошлайди. Натижада одамлар ижтимоийлашади. Кейинроқ пул ихтиро қилинади. Савдо-сотиқнинг вужудга келиши эса ўзаро коммуникацияни таъминлайди. Шундай қилиб кўп қиррали маданий жамиятлар юзага келади. Энди инсон ахлоқи, унинг олам ҳақидаги тасаввурлари табиат ҳодисалари воситасида эмас, балки ижтимоий-маданий контекстда шаклланади ва ривожланади.

Нисбатан яқин тарихда содир бўлган илмий инқилобга айнан қайси воқеа туртки бўлгани юзасидан олимларнинг фаразлари турлича. Илмий ҳамжамият анъанасига кўра, бу инқилоб Уйғониш даврининг сўнгида, 1543 йили Николай Коперникнинг “Осмон сфераларининг айланиши ҳақида” номли китобининг эълон қилиниши билан бошланган. Ю.Ҳарарига кўра, 1492 йили Хистофор Колумб томонидан Америка қитъасининг топилиши илмий инқилобни бошлаб берган: “Американинг кашф этилиши европаликларни реал кузатувларни ўтмиш анъаналаридан устун қўйишга ундади. Қитъани ўзлаштиришга бўлган иштиёқ эса улардан янги билимларни тезроқ ривожлантиришни талаб этарди” [11. Б. 194]. Албатта, бу қарашларнинг ҳар бирида муайян даражада ҳақиқат мавжуд, шу билан бирга уларнинг бирортаси мутлақ тўғри бўла олмаслиги ҳам айни ҳақиқат. Бизнингча, бу фактлар жаҳон тарихи саҳнасида кичик бир рамз вазифасини ўтайди, холос. Ҳақиқат шундаки, илмий инқилоб XV асрнинг сўнги ҳамда XVII асрнинг бошларигача бўлган оралиқда содир бўлди ва замонавий илм-фан тараққиёти учун замин яратди. Илмий инқилоб бизга квантлар оламида “сайр қилиш”, Ойга учиш, компьютер билан суҳбатлашиш ва тана аъзоларимизни сунъийлаштириш имконини берди. Лекин шулар билан бирга, у инсониятга атом бомбасини ҳам “тортиқ” қилди. Энди инсоният нафақат дунёни ўзгартиришга, балки ундаги ҳаётни йўқ қилиб юборишга ҳам қодир экани аён бўлди.

Илм-фаннинг тараққий этиши бизнинг олам ва одам ҳақидаги тасаввурларимизни инқилобий тарзда кенгайтирди, айни дамда жуда кўплаб бир-бирини инкор қилувчи тармоқларга ажратиб ташлади. Бу ҳодисалар шахс ва жамият олдига янги мақсад ва вази-

фаларни қўйиш билан бирга, бизни жавобсиз саволлар гирдобида жарлик томон тортаётгани ҳам ҳақиқат. Зотан, тараққиёт тақдим этаётган глобал исиш, ядровий қуролланиш, ахборот хуружлари, терроризм, бир хил жинслилар никоҳи каби муаммолар инсониятнинг мавжудлик ҳақидаги ягона ғоя атрофида бирлаша олмаслиги, инсон концепциясининг турфа хиллиги оқибатидир.

Адабиётни даврлаштириш масаласида ҳам худди инсониятнинг маданий босқичлари каби уч давр эътиборга олинади. Етакчи адабиётшунослардан иборат муаллифлар гуруҳига кўра, “бадиий тафаккурнинг энг умумий ва барқарор учта: 1) архаик ёки мифопоэтик; 2) традиционалистик ёки норматив; 3) индивидуал-ижодий ёки тарихий типлари” [1. Б. 4] мавжуд.

Бадиий тафаккурнинг архаик (мифопоэтик) босқичи палеолит давридан бошлаб антик Юнонистонда милоддан аввалги VII–VI асрлар, Шарқда эса милодий I асргача давом этган.

Традиционализм (*норматив поэтика*) босқичи Европада милоддан аввалги VI–V асрлардан XVIII аср ўрталаригача, Шарқда эса милодий I асрдан XIX аср охири – XX аср бошларигача давом этиб, энг узоқ муддат – икки ярим минг йиллик даврни қамраб олади.

Индивидуал-ижодий босқич Европада XVIII аср ўрталаридан, Шарқда XIX аср охири – XX аср аввалидан бошланиб, ҳозирга қадар давом этмоқда.

Биз юқорироқда санаб ўтган тарихий босқичлар ва бадиий тафаккур босқичларининг бу қадар уйғун келиши, албатта, тасодиф эмас. Сабаби, адабиётшунослик муайян давр адабиётини ўрганар экан, аввало, шу давр ижтимоий-тарихий шароитини ҳисобга олади. Чунки “ҳар бир давр адабиётининг ривожланиш даражаси, ундаги турфа адабий ҳодисалар кўп жиҳатдан ижтимоий-тарихий шароит билан боғлиқ бўлади. Ижтимоий-тарихий шароит деганда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий ҳолати тушуниладики, булар бари бадиий адабиёт тараққиётининг ташқи омили (*таъкид бизники – С.Қ.*) саналади” [9. Б. 418]. Шундай экан, инсон концепцияси бир вақтда ҳам адабий-фалсафий, ҳам ижтимоий категориядир. Қуйида бу хулосанинг нечоғлик тўғри эканини, тарихнинг муайян босқичидаги ижтимоий-тарихий шароит, шу даврга хос бадиий тафаккур ва инсон концепцияси масалаларини ўзаро уйғун, яхлит маданий ҳодиса сифатида кўриб чиқиш орқали баҳолашга ҳаракат қиламиз.

Бадиий тафаккурнинг *мифопоэтик* босқичга хос асосий хусусияти сифатида синкретиклик кўрсатилади. Синкретизм юнонча “фарқламаслик” сўзидан олинган бўлиб, бутун борлиқни яхлит тушуниш демакдир. Синкретизм – **“**инсон тафаккурининг ҳали бўлинмаган ҳолати” [4. Б. 6]. Яъни “табиат билан инсонни, сўз билан у англатган нарсани, “мен” билан “ўзга”ни, ҳаётий амал билан санъатни фарқламасдан қабул қиладиган, ҳали абстракт фикрлаш ва рефлексия (ўзини англаш)га қобил бўлмаган онгга хос тафаккур назарда тутилади” [9. Б. 425]. Архаик босқичда санъат ҳам бир бутун ҳодиса бўлган. Бу даврда санъатнинг турлари, умуман, уларни турларга ажратувчи чегара мавжуд эмасди. Шу маънода, санъатшунослар синкретизм истилоҳини санъатнинг қадимий, ҳали турларга хос специфик хусусиятлар бўй кўрсатмаган шаклига нисбатан ҳам қўллайдилар [3. Б. 312]. Қадимги одамларнинг диний ритуаллари синкретизмга ёрқин мисол бўла олади. Бундай ритуалларда одамлар бир вақтнинг ўзида қўшиқ куйлаши (табиатга мурожаат қилиб омонлик ёки яхши ўлжа сўраши), рақсга тушиши, ноғора чалиши ё саҳна элементларини кўрсатиши мумкин эди. Эътиборли жиҳати, ритуаллардаги санъат ҳодисаларининг бири иккинчисидан фарқланмаган. Бошқача айтганда, бу “санъат” шу ритуаллардагина мавжуд бўлган яхлит маросимнинг муҳим элементлари ҳисобланган.

Архаик босқичда “инсон тафаккурининг ҳали бўлинмаган”лиги, палеолит даврининг шарт-шароитлари билан бевосита боғлиқ. Зеро юқорида ҳам қайд этганимиздек, бу даврда инсон онги серқирра ижтимоий муносабатлар асосида эмас, табиат ҳодисалари, табиий шарт-шароитлар таъсирида ривожланган. Шу омил туфайли инсон ўзини табиатнинг ажралмас бир қисми сифатида ҳис қила оларди, холос. Биз буни энг қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Йирик фольклоршунос Ольга Фрейденберг мифга “тафаккурнинг беихтиёр шакли” [12. Б. 119] дея таъриф беради. Дарҳақиқат, қадимги инсонлар мифларни қасддан яратмаганлар. Мифлар одамларнинг кундалик ҳаётидаги урф-одатлари ва ритуаллари доирасида ўзўзидан, мавжуд удумларнинг баёни сифатида пайдо бўлган.

Ибтидоий одамлар учун миф оламни билишнинг асосий воситаси ҳисобланган. Шу маънода мифлар қадимги одамларнинг фикрлаш тарзи, дунёқараши ҳақида кенг маълумот бера олади. Инсон ўзини табиатнинг бир қисми сифатида тасаввур қилган кезларда атрофидаги нарсаларга ҳам ўзидаги сифатлардан келиб чиқиб баҳо берган. Шу сабабли у табиатдаги нарсаларга инсонга хос хусусиятларни кўчирган. Яъни қадимги одамнинг тасаввурича, атрофдаги нарсалар ҳам инсон каби фикрлайди, инсон каби ҳаёт кечиради. Мифнинг фетишизм, анимизм ва тотемизм каби турлари ҳам ана шу тасаввурларнинг маҳсулидир.

Традиционализм бадиий тафаккур тараққиётида нисбатан энг узоқ муддат, қарийб икки ярим минг йил ҳукм сурган босқичдир. Мазкур босқичнинг бу қадар узоқ муддат давом этгани асрлар мобайнида ижтимоий шарт-шароитнинг деярли ўзгармагани, феодал тузимнинг барқарорлиги, мустаҳкам диний эътиқод, жамиятлараро коммуникациянинг сустлиги, илф-фан инқилобининг "кечиккани" каби қатор омиллар билан боғланади. Таъкидлаш зарурки, традиционализмнинг икки ярим минг йиллик умри дунё маданияти тарихидаги умумий ҳисоб бўлиб, у алоҳида олинган цивилизацияларда бу қадар узоқ яшамаган. Ижтимоий шарт-шароитнинг ўзгариши, янги парадигма ва инсон концепциясининг шаклланишига қараб традиционализм Ғарбу Шарқда турли даврларда, турлича вақт чегараларида доминантлик қилган.

Мифопоэтик босқичда синкретизм муҳим аҳамият касб этган бўлса, традиционализмга келиб санъат турлари ўзидаги специфик жиҳатларни яққол кўрсата бошлади. Жумладан, адабиёт ҳам алоҳида соҳа сифатида шаклланди.

Традиционализмни фарқловчи энг муҳим жиҳат ижодий жараёнда анъанавийликнинг устун туришидир. Хусусан, Шарқ мумтоз адабиётида ижодкор мавзуни ёритишда имкон қадар ижтимоийликдан қочади, ифодада замон ва макон уйғунлигини таъминламайди, қолаверса, талқинда ўзига хосликка интилмайди. Яъни бу давр ижодкорлари ўзининг шахсий кечинмаларини, анъанадан кескин фарқ қилувчи фикр ва ғояларини илгари сурмаган. Профессор Д.Қуронов бу ҳақда шундай ёзади: "...гарчи мумтоз шеърда кўнгил изҳори асосан "мен" тилидан берилса-да, ҳақиқатда унинг ортида муайян бир шахс эмас, кўпроқ ўқувчига аввалдан таниш лирик субъектлардан бири – ошиқ, мутафаккир, носиҳ ё замонадан куйган жабрдийда намоён бўлаверади. Айни ҳол жамиятда шахс мақоми кучайган шароитга мувофиқ эмас" [10. Б. 192]. Худди шу омиллар Шарқ мумтоз адабиётида муаллиф шахсиятига ҳам парда тортади. Баъзан муаллиф ёзган асарига ўз имзосини ҳам қўймаган. Зеро, оламни фақат диний-ахлоқий мезонлар асосида тушунган инсон, табиий равишда, ҳаётини қатъий анъаналар асосига қурган. Бу давр эстетик қарашларининг бирламчи ҳақиқати сифатида дунёнинг фоний эканлиги айтилган, санъаткор учун чинакам гўзаллик эса олам ва одамнинг ботини ҳисобланган.

Мумтоз адабиётда эстетик тасаввурлар ахлоқдан ажратилмаган. Зеро, мумтоз мутафаккирлар наздида инсоннинг асл гўзаллиги маънавий гўзалликдир. Шу каби омиллар сабаб бу даврда инсоннинг реалистик тасвири бадиий қийматга эга эмасди. Яъни, мумтоз ижодкор қаҳрамонларни реал воқеликдаги хатти-ҳаракатлари воситасида эмас, балки мутлақ идеал тушунчалар орқали тасвирлайди. Қаҳрамонда энг гўзал исломий сифатлар (тақво, илм, одоб, адолат, маърифат ва б.) мавжудлигини таърифда айтилганининг ўзи етарли ҳисобланган (яъни, масалан, тақволи одам дейилишининг ўзида қиёфа ҳақидаги анъанавий тасаввур ҳам бор). Шу сабабли ҳам шоир қаҳрамондаги шундай сифатлар таърифига кўпроқ урғу беради: сифат қай даражада мукаммал ва оригинал таърифланса, шу даражада индивидуал қиёфа ҳосил бўлади. Натижада ердан бутунлай узилган, Шарқнинг идеал ғоя ва мақсадларига йўғрилган қаҳрамон яратилади. Шу ўринда ўрта асрлар фалсафасига рус адабиётшуноси Юрий Боревнинг: "...инсон – гуноҳкор банда, чўққиларни забт этишга йўналиш олган ва камолга етгач, дунё саодатига эришиш учун дунё неъматларидан воз кечган – муқаддас зот" дея берган таърифи Шарқ мумтоз адабиётидаги комил инсон концепциясига ҳам мос эканини қайд этмоқ зарур.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бадиий тафаккурдаги традиционализм Шарқда Ғарбга нисбатан анча узоқ муддат давом этади. Хусусан, миллий адабиётимизда мумтоз адабиёт анъаналари XX аср бошларигача давом этгани маълум. Бу вақтга келиб маърифатчилик, сентиментализм, романтизм каби босқичлардан

ўтиб келган Ғарб бадиий тафаккури реализм ва модернизм таъсирида сайқал топаётганди. Бизда мазкур босқичларнинг анча кеч бошлангани, балки, қурама шаклда, бир вақтнинг ўзида намоён бўлгани ижтимоий шарт-шароит ва коммуникация билан боғлиқ. Зеро, Туркистонда XX асрнинг бошларига келибгина анъанавий бадиий тафаккур қобиғидан чиқиш имконини берувчи ижтимоий шарт-шароит вужудга келди.

XX аср бошларида ижтимоий-маданий ҳаётимизда содир бўлган туб бурилишлар, хусусан, даврий нашрларнинг пайдо бўлиши, жадидлар ҳаракатининг юзага келиши, хорижий адабий оқимларнинг таъсири натижасида бирин-кетин реалистик асарлар дунё юзини кўра бошлади. Профессор Д.Қуронов XX аср аввалида бадиий тафаккурда кечган янгиланишнинг бош омилини шундай изоҳлайди: “Ҳамма гап XX аср бошлари Туркистон жамиятида шахс мақомининг ўзгаргани, инсоннинг ижтимоийлашганида. Содда қилиб айтсак, Туркистон кишиси жамиятнинг аҳволи, бугуни ва эртаси, мавжуд ҳолнинг сабаби – хуллас, сиёсат ҳақида бош қотирадиган бўлди” [10. Б. 191]. Ҳақиқатан, ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган кескин ўзгаришлар шу ижтимоийликнинг бир бўлаги – ижодкор шахсини четлаб ўтмади. Энди ижодкорнинг инсон ҳақидаги, унинг олам-даги ўрни ва мақоми ҳақидаги тасаввурлари ўзгарди. Шунга мос равишда, адабиётда олам ва одам муносабатлари ҳақидаги бадиий концепция (инсон концепцияси) янгиланиши натижасида *индивидуал-ижодий* бадиий тафаккур босқичига ўтилди.

Индивидуал-ижодий бадиий тафаккур босқичининг асосий фарқловчи хусусияти реалистик ифодадир. Анъанавий қолиплар таъсиридан чиқа олган ижодкор оламни индивидуал тарзда бадиий мушоҳада қила бошлади. Адабиёт воқеликка, ижтимоий ҳаётга юзланди. Бадиий мушоҳада объекти санъаткор кўнглидан чиқиб, воқеликка кўчиб ўтди. Бу эса табиий равишда бадиий образнинг, тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг реалистик ифодасини талаб қиларди. Шу маънода биз Чўлпоннинг “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтир Муҳаммадёр”, Қодирийнинг “Жувонбоз”, “Улоқда” каби ҳикоялари, Ҳамзанинг “Янги саодат”, Айнийнинг “Бухоро жаллодлари” қиссалари, Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романларига нафақат ўзбек насрининг тамал тоши, балки адабиётимизда замонавий инсон концепциясининг асоси сифатида қарашимиз мумкин.

Индивидуал-ижодий бадиий тафаккур замонавий ўзбек адабиёти деб аталувчи катта бир босқични қамраб олган бўса-да, бу босқичнинг ўзи ҳам бир неча даврларга ажралишини унутмаслигимиз даркор. Зеро, XX ҳамда XXI асрга хос кўплаб умумий қонуниятлар асосида шаклланган индивидуал-ижодий бадиий тафаккур шу даврларнинг турли ижтимоий шарт-шароитида вужудга келган инсон концепцияси таъсирида вужудга келган ички босқичларга ҳам эга.

Адабиётшунослигимизда янги ўзбек адабиёти даври учта адабий асрга бўлинади: 1) ўзбек жадид адабиёти; 2) шўро даври ўзбек адабиёти; 3) истиқлол даври ўзбек адабиёти [9. Б. 433]. Бир қарашда, мазкур таснифнинг асоси сифатида давр ижтимоий шарт-шароити, адабий авлодлар, бадиий тафаккур ва ифодадаги ўзига хослик кўрилади. Бироқ саналган омилларнинг негизида ҳам инсон концепцияси туришини назардан қочирмаслик зарур. Шу маънода, адабиётни, умуман, бадиий тафаккур босқичларини белгилашдаги энг муҳим омил инсон концепциясидир, деган хулосага кела оламиз.

Адабиётлар:

1. *Аверинцев С.С., Андреев М.Л., Гаспаров М.Л., Гринцер П.А., Михайлов А.В.* Категории поэтики в смене литературных эпох // Историческая поэтика. Литературные эпохи и типы художественного сознания. Сб. статей. – Москва: Наследие, 1994. – С. 3–38.

2. *Борев Ю*. Инсон ва инсоният ҳаётининг олий мақсади ва маъноси // Шарқ юлдузи, 2011. – №4. – Б. 158–164.

3. *Борев Ю*. Эстетика. – Москва: Политиздат, 1988. – 496 с.

4. Взаимодействие и синтез искусств / Под ред. Д.Д.Благого, Б.Ф.Егорова. – Ленинград: Наука, 1978. – 269 с.

5. *Гольберг М*. Человек – время – литература // Вопросы литературы, 1984. – №5. – С. 238–244.
6. *Гапон Е*. Художественная концепция личности в творчестве В.Г.Распутина 1990-х - 2000-х годов: Дис... .канд. филол. наук. – Армавир. 2005. – 167 с.
7. *Колобаева Л.* Концепция личности в русской литературе рубежа XIX–XX вв. – Москва: МГУ, 1990. – 336 с.
8. *Кууси П*. Этот человеческий мир. – Москва: Прогресс, 1988. – 366 с.
9. *Қуронов Д*. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 480 с.
10. *Қуронов Д*. Мутоалаа ва идрок машқлари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 336 б.
11. *Харари Ю*. Sapiens. Краткая история человечества. Москва: Синдбад, 2016. –520 с.
12. *Фрейденберг О.М*. Миф и литература древности. Москва: Главная редакция восточной литературы, 1978. – 608 с.

EVOLUTION OF ARTISTIC THINKING AND THE CONCEPT OF HUMAN

Sadullo D. Quronov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 7(67). 55-62.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: human concept, artistic conception, artistic thinking, archaism, traditionalism, individual creative artistic thinking, literary period, classical literature, modern Uzbek literature.

Man is at the center of literature. That is, literature aims to study a person against the background of being and events. Fiction creates a holistic artistic judgment – an artistic concept – about the universe and man when considering being, existing reality. An artistic judgment about the relationship between the universe and man is an artistic concept, and the concept of man, which we have in mind in this study, is one and the same phenomenon.

Artistic thinking develops in interaction with human thinking. That is, the social, cultural, economic, political development of man on the stage of history is transferred directly into fiction. Our worldview, formed in certain social conditions, the way we define our status in existence, forms the paradigm of this period. The conceptually formed new paradigm manifests itself primarily in fiction. So, in the course of studying the human concept, we will be able to see the gradual development of literature on a complex map, along with the periodization of all history.

The manifestation of the concept of man in literature is a natural and natural process. In addition to the heuristic function of literature, there is also an artistic and conceptual function, which is one of its most important functions. Fiction creates a holistic artistic judgment about the world and man - an artistic concept when considering being, existing reality. If we take into account that a person is at the center of literature, it becomes clear that the concept of a person is also at the heart of the artistic concept.

No matter how important the concept of the concept of a person is in evaluating a work of art, it has been relatively little studied as a separate category in literary criticism. In books on the theory of literary criticism, the definition of this category is practically not mentioned, and in the dictionary of literary terms it is not even found. In our opinion, this is due to the fact that the category of the concept of a person is usually considered as part of an artistic concept.

In the question of periodization of literature, as in the case of the cultural stages of mankind, three epochs are considered: 1) mythopoetic; 2) traditionalist; 3) individual creative types.

Of course, it is no coincidence that the historical stages and stages of artistic thinking that we have listed above are so harmonious. The reason is that literary criticism, studying the literature of a certain period, first of all takes into account the socio-historical conditions of this period. Therefore, the human concept is both a literary-philosophical and a social category. How true this conclusion is can be assessed by considering the socio-historical conditions of a certain stage of history, the issues of artistic thinking and human design, characteristic of this period as a harmonious, integral cultural event.

References:

1. Averintsev, S.S., Andreev, M.L., Gasparov, M.L., Grintser, P.A., Mikhailov, A.V. (1994). Kategorii poetiki v smene literaturnyh epoh [Categories of poetics in the change of literary epochs]. In: *Istoricheskaya poetika. Literaturnye epohi i tipy hudozhestvennogo soznaniya* [Historical poetics. Literary epochs and types of artistic consciousness]. Moscow: Nasledie. Pp. 3-38.

2. Borev, Y. (2011). Inson va insoniyat hayotining oliy maqsadi va ma'nosi [The highest purpose and meaning of human and human life]. *Sharq yulduzi*. No. 4. Pp.158-164.

3. Borev, Y. (1988). *Estetika* [Aesthetics]. Moscow: Politizdat.

4. Blagoy, D.D. (ed.). (1978). *Vzaimodejstvie i sintez iskusstv* [Interaction and synthesis of arts]. Leningrad: Nauka.

5. Golberg, M. (1984). Chelovek – vremya – literatura [Man – time – literature]. *Voprosy literatury*. No. 5. Pp. 238-244.

6. Gapon, E. (2005). *Hudozhestvennaya koncepciya lichnosti v tvorchestve V.G.Rasputina 1990-h – 2000-h godov* [The artistic concept of personality in the work of V.G.Rasputin of the 1990s - 2000s]. Dissertation of the candidate of philological sciences. Armavir.

7. Kolobaeva, L. (1990). *Koncepciya lichnosti v russkoj literature rubezha XIX–XX vv* [The concept of personality in Russian literature at the turn of the XIX-XX centuries]. Moscow: MGU.

8. Kuusi, P. (1988). *Etot chelovecheskij mir* [This human world]. Moscow: Progress.

9. Kuronov, D. (2018). *Adabiyot nazariyasi asosla*ri [Basics of literary theory]. Tashkent: Akademnashr.

10. Quronov, D. (2013). *Mutolaa va idrok mashqlari* [Reading and comprehension exercises]. Tashkent: Akademnashr.

11. Harari, Y. (2016). *Sapiens. Kratkaya istoriya chelovechestva* [Sapiens: A Brief History of Humankind]. Moscow: Sindbad.

12. Frejdenberg, O.M. (1978). *Mif i literatura drevnosti* [Myth and literature of antiquity]. Moscow: Glavnaya redakciya vostochnoj literatury.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ҚУРОНОВ Саъдулло Дилмуродович – филология фанлари бўйича фалсафа доктори, Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси докторанти. E-mail: quronov@gmail.com